

## **“Ўзбеккўмир” акциядорлик жамиятининг 2021 йил якуни натижалари.**

### **I. Иқтисодий кўрсаткичлар.**

1. Хисобот даврида кон устини очиш ишлари **29,5 млн. куб метр** ёки прогнозга нисбатан **90,9 фоиз** бажарилди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **128,3 фоизни** ташкил қилди.

Кон устини очиш ишлари кўрсаткичларнинг бажарилмаслигига сабаб бўлган:

бугунги кунда жамиятдаги мавжуд тоғ-кон техникасининг 50 фоизидан ортиғи жисмонан эскирган бўлиб, технологик паркдаги автосамосвал, бульдозер, юклагич ва автогрейдерларнинг фойдали иш коэффиценти ўртача 0,56 ни ташкил этмоқда;

2022 йилнинг февраль ва март ойлари давомида кучли ва давомий ёғингарчиликлар;

молиявий маблағларнинг етишмаслиги сабабли дизел ёқилгиси, шунингдек ишлаб чиқариш жараёни ҳамда тоғ-кон техникалари учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларнинг етарли қажмларда харидини амалга ошириш имконининг йўқлиги;

Қозоғистон Республикасининг ТОО “Горнорудные технологии” компанияси билан аутсорсинг шартлари асосида жалб қилинган техникалар томонидан кўрсатилган хизматлар учун 34,9 млрд. сўм кредитор қарздорлик юзага келган, бу эса ўз навбатида зарур эҳтиёт қисмларни харид қилишда муаммоларга ва кон устини очиш ишларига салбий таъсир этган.

2. Кўмир қазиб чиқариш **4,8 млн. тонна** ёки прогнозга нисбатан **107,4 фоиз** бажарилди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **123,6 фоизни** ташкил этди.

3. **5,2 млн. тонна** истеъмолчиларга кўмир етказиб берилди прогнозга нисбатан **113,5 фоиз** бажарилди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **133,4 фоизни** ташкил этди.

4. Ишлаб чиқариш амалдаги нархларда **1 079,5 млрд.сўмга** бажарилиб, режага нисбатан **121,6 фоизни** ташкил қилди. Ишлаб чиқариш таққослама нархларда **872,0 млрд.сўмни** ташкил қилиб, режага нисбатан **107,1 фоизга** бажарилди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **122,9 фоиз**.

5. Махсулотларни сотишдан соф тушум **1 187,3 млрд.сўмни** ташкил қилиб, режага нисбатан **114,5 фоизга** бажарилди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **146,3 фоиз**.

6. Махаллийлаштириш дастури буйича **6,6 млрд. сўмлик** тоғ-кон ускуналарини эҳтиёт қисмлари ва ер ости ускуналари ўзлаштирилди, режага нисбатан **100,0 фоиз** бажарилди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **109,9 фоизни** ташкил қилди.

7. Дебиторлик қарздорлик **183,2 млрд. сўмни** ташкил қилди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати ( *ўтган йилнинг мос даври* **90,2 млрд.сўм**) **183,9 фоизни** ташкил қилди.

8.Кредиторлик қарздорлик **286,6 млрд. сўмни** ташкил қилди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати ( *ўтган йилнинг мос даври* **229,4 млрд. сўм**) **107,9 фоизни** ташкил қилди.

9. Жамият ходимларининг сони **6 105,0 кишига** етди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **97,1 фоизни** ташкил қилди.

10. Яратилган иш ўринлари хисобот даврдия **49 бирликни** ташкил қилди, режага нисбатан **100,0 фоизни**, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **114,0 фоизни** ташкил қилди.

11.Бир ишчига келадиган ўртача ойлик иш хаки **3 789,1 минг сўмга** етди, режага нисбатан **107,5 фоизга** бажарилди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **110,3 фоиз** ташкил қилди.

## II. Молиявий кўрсаткичлар.

Жами даромадлар **986 049,9 млн.сўмни** ташкил қилиб, режага нисбатан **95,2 фоиз** бажарилди, шундан;

- Асосий фаолиятдан - **971 472,7 млн.сўм**,
- Валюта курсидан фарқидан даромад – **14 577,2 млн.сўм**.

Харажатлар **981 718,4 млн.сўмни** ташкил қилди, режага нисбатан **113,6 фоиз**. шундан;

- Сотилган махсулотларнинг таннари - **643 578,3 млн.сўм**,
- Давр харажатлари – **195 477,7 млн.сўм**,
- Фоизлар шаклидаги харажатлар – **42 662,4 млн.сўм**,
- Валюта курсидан фарқидан зарарлар – **100 377,2 млн.сўм**.

Даромад солиқ тўлангунга қадар **23 253,1 млн.сўмни** ташкилиб, соф фойда **20 559,6 млн.сўмни** ташкил қилди.

Ишлаб чирқариш таннархи **718 170,7 млн.сўмни** ташкил қилиб, режага нисбатан **99,3 фоизга** сарфланди, иқтисод қилинган харажат **4 807,6 млн.сўм**. бундан;

- Хомашё ва материаллар **337 716,2 млн.сўмни** ва режага нисбатан **100,0 фоиз** сарфланди ва **134 млн.сўм** иқтисод қилинди.
- Ёқилғи **141 483,1 млн.сўмга** ташкил қилиб, режага нисбатан **156,7 фоизга** сарфланди ва **51 184,5 млн.сўмга** ортиқча сарфлади, ортиқча сарфланишнинг асосий сабаби ёқилғининг нархлари ошиши.
- Электроэнергия сарфи **39 813,1 млн.сўмни** тақил қилиб, режага нисбатан **74,4 фоизга** сарфланди ва **13 690,5 млн.сўм** иқтисод қилинди.
- Ишчи ходимлар иш ҳақи **191 563,1 млн.сўмни** тақил қилиб, режага нисбатан **95,0 фоизга** сарфланди ва **9 993,0 млн.сўм** иқтисод қилинди.
- Ягона ижтимоий суғурта харажати **22 989,2 млн.сўмни** ташкил қилиб, режага нисбатан **95,0 фоизга** сарфланди ва **1 197,5 млн.сўм** иқтисод қилинди.
- Асосий воситалар ва номодий активлар амортизацияси **137 365,3 млн.сўмни** ташкил қилиб, режага нисбатан **98,9 фоизга** сарфланди ва **1 517,7 млн.сўм** иқтисод қилинди.
- Бошқа харажатлар **28 536,9 млн.сўмни** ташкил қилиб, режага нисбатан **137,4 фоизга** сарфланди ва **7 767,1 млн.сўм** режадан ортиқ сарфланди.Ортиқча сарфнинг асосий сабалари асосий воситаларнинг тиклаш харажатлари, ўт ўчирувчиларнинг харажатлари ошиши, соғлиқни сақлаш харажатлари ошиши, касб кийимларининг нархлари ошиши, меҳнатга лаёқатсизлик пособияларининг ошиши ва х.к.

Давр харажатлари **198 857,6 млн.сўмни** ташкил қилиб, режага нисбатан **141,0 фоизга** сарфланди ва **57 583,3 млн.сўмга** ортиқча сарфланди, бундан;

- Сотиш харажатлари **7 466,8 млн.сўмни** ташкил қилиб, режага нисбатан **138,1 фоизга** сарфланди ва **2 059,2 млн.сўмга** ортиқча сарфланди. Асосий сабаб бошқа харажатларининг ошиши, асосий воситалар олиниши ва х.к.
- Мамурий харажатлар **53 588,6 млн.сўмни** ташкил қилиб, режага нисбатан **96,8 фоизга** сарфланди ва **1 760,5 млн.сўм** иқтисод қилинди.
- Бошқа операцион харажатлар **137 802,2 млн.сўмни** ташкил қилиб,режага нисбатан **171,7 фоизга** сарфланди ва **57 554,6 млн.сўмга** ортиқча сарфланди.